



РАМАЗОНИ ШАРИФ МУБОРАК!



Бисмиллахи Рахмани Рахим!

Ўзбекистондаги ва хорижий мамлакатлардаги барча ҳамюртларимизга,

бутун Ислом умматига 2013 йилнинг Рамазон шарифи муборак бўлсин!

Аллоҳ таоло қилган ва қиладиган тоат ва ибодатларимизни, рамазон ойида тутадиган рўзаларимизни Ўз даргоҳида қабул қилсин, инша Аллоҳ!

Аллоҳ таоло гуноҳларимизни мағфират қилсин, мазлум мусулмон ва муслималарга Ўзи ёрдамчи бўлсин, мўмин -мусулмон бирдоларимизга ва имон йўлидан юраётган опа- сингилларимизга икки дунё саводатини насиб қилсин! Омин!

ЎХХ Тарғибот Бўлими

ЮРАГИДА ЎТИ, БЕЛИДА БЕЛБОҒИ ЙЎҚ ЎЗБЕГИМ

Ўзи доим юрагим сиқик юраман, нега десангиз, хе... сўраманг, буни биласиз. Ватанимиздаги аҳволдан шунақаман. Бугун бу аҳволга тушишимизга ким сабабчи эканлигини аниқ ва равшан тушунгандайман. Келинг бугунги воқеани айтиб берай... Қишлоқдаги ўртанча кизим на- бираларим билан зиёратга келди.

(Давоми: 2-Бетда)

ҚАЧОН КЕЛАР ЎША ХУШХАБАР?

Келса эди, юртдан хушхабар
Ҳеч ўйламай, шу он кетардим.
Космик тезлик ҳеч нарса менга,
Ундан ўзиб, уйга етардим.gastarbaiter
(Давоми: 2-Бетда)

«ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИМАН!»

Тошкент шаҳри. Ойбек метросидаги “Ангел” ресторани ёнида турибман. Кеч соат бир эди. Ёнимга 12 ёшлардаги бир бола келиб нонга пул сўради. Ростдан нонгами?, деб сўрадим-да, телефонга тикилиб ўз ишимни қила бошладим. Бола буни рад жавоби, деб ўйлаб ўз йўлига кетди. Шунда уни тўхтатиб, сенга пул керак эди, шекилли, дедим.

(Давоми: 3-Бетда)

МАХСУС ХИЗМАТЛАРНИНГ ФАСЕБООҚДАГИ ПАСТКАШЛИКЛАРИ

“Америка овози” радиоси журналистлари тайёрлаган ва 500 дан ортиқ сони эфирга узатилган “Америка манзаралари” туркум эшиттиришлари бор. Бу эшиттиришларда АҚШ ҳукумати ва қучишлар органлари ғашини келтирмайдиган маълумотларгина берилган.

(Давоми: 4-Бетда)

РАМАЗОНДА ҲИЖОБЛИ САВДОГАРЛАР БОЗОРДАН ҲАЙДАЛАЯПТИ

Мусулмонлар учун муқаддас ой — Рамазони шариф бошланиши арафасида Тошкент бозорларида савдо қиладиган ҳижобли аёллар, рўмолларини ечиш ёки расмийлар маъқул топган гарзда ўраш босими остида қолди. Акс ҳолда, улар савдо ўринларидан ажраб, бозорга қўйилмасликдан огоҳлантирилмоқда.

(Давоми: 5-Бетда)

ҲУҚУҚБОН БОБОМУРОД РАЗЗОҚОВГА ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИ УЙДИРМОҚДАЛАР

Ўзбекистонда яна бир ҳуқуқ ҳимоячисига нисбатан жиноят иши очилди. Бухоролик таниқлик ҳуқуқбон Бобомурод Раззоқов одам савдоси билан машғул бўлганликда айланмоқда. Уни бугун (2013 йилнинг 10 июль) тергов идоралари сўроққа тутди ва биз яна бир ҳуқуқбоннинг тўхмат балосига гирифтор бўлиб кўрмоқдамиз. Нимагадир Ўзбекистонда ҳуқуқбонлар жуда жиноятчи «бўлишади». 70 ёшдан ошиб қолган отахон Ҳасан ота Чориев 20 ёшлик аёлни «зўрлайдими», 61 ёшдан ошган Бобомурод Раззоқов одам савдоси билан «машғул».

Буни қарангки, ҳуқуқбонларимиз «товламачи» ҳам бўлиб қолишади, нашафурушлик «қилганлари» ҳам бор. Фақат ҳуқуқматимиздаги казо-казолар жиноятчилар эмас. Масалан, президентимизнинг кизи миллионлаб долларларда пора олса ҳам биров ундан «нега бунақа қилдинг» деб сўрагани йўқ.

Лекин ҳуқуқбонларни эса мутлоқ қилмаган жиноятларида айблаб қамоққа тикиб юбораверишади. Ва бунинг учун демократияни тамсил этаётганликларини даъво қилувчи давлатларнинг ҳуқуқматлари қайғураётгани ҳам йўқ.

Ўзбек сиёсий муҳолифати, ҳамда ҳуқуқбонлар ҳам биргаликда фаолият олиб борганларида эди, унда биз билан ҳамма ҳисоблашган бўларди. Ҳаттоки ватандаги ўша диктатура режими ҳам. Афсуски, бошларимиз бирикмайди ва бу бошларни навбат билан, битта, битта кесиб ташлашмоқда.

Ҳуқуқбонларимиз шафқатсиз бир шернинг олдида турган қуролсиз ва ҳимоясиз ҳолда турган овчига ўхшайдилар. Уларнинг умрлари қанчалар узун бўлишини эса ўша йирткич шернинг иштаҳасига боғлиқ бўлиб қолди. Йирткич ўзи истаган вақтида ҳуқуқбонни ёриб ташлайди.

Тўлқин Қораев

ГУЛНОРА КАРИМОВА ЖЕНЕВАДАН ҲАЙДАЛДИ

Швейцария Ташқи Ишлар Вазирлигининг Би-би-сига билдиришича, Ўзбекистон Президентининг кизи Гулнора Каримова Женевадаги БМТ ваколатхонаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ваколатини тугатган.

Бу ҳақда Швейцариянинг Тошкентдаги элчихонасини 2013 йилнинг 9 июл куни Ўзбекистон Ташқи Ишлар вазирлиги хабардор қилган.

(Давоми: 8-Бетда)

ҲАР БИР ХАЛҚ РАХБАРИГА ЛОЙИҚ БЎЛАДИ

Жамиятда инсонлар орасидаги ахлоқий ва маънавий нормаларнинг издан чиқиши ёки яхши йўлга тушиши кўп омилларга, шу жумладан ҳуқуқмат ва унинг раҳбари танлаган бошқарув идеологиясига ҳам боғлиқдир. Бу маънода диктатура усули билан бошқариладиган жамиятлар инқрозга юз тутаверади. Эркинлик ва Адолатпарварлик нормалари билан бошқарилган жамият эса маънавий ва иқтисодий ривожланаверади.

(Давоми: 6-Бетда)

ЮРАГИДА ЎТИ, БЕЛИДА БЕЛБОҒИ ЙЎҚ ЎЗБЕГИМ

Ўзи доим юрагим сиқик юраман, нега десангиз, ҳе... сўраманг, буни биласиз. Ватанимиздаги аҳволдан шунақаман. Бугун бу аҳволга тушимизга ким сабабчи эканлигини аниқ ва равшан тушунгандайман.

Келинг бугунги воқеани айтиб берай...

Қишлоқдаги ўртанча қизим набираларим билан зиёратга келди. Меҳмонлар билан кўчага чиқдик, би-и-р кичкинтойларни ўйнатиб, муз қаймоқ билан сийлаш учун. Ахир биз ўзбеклар ҳам ҳақлидирмиз бундай кичик кунгилхушликларга, гарчи Намангандек шаҳримизда борадиган, кунгилдан яйраб дам оладиган жойларнинг ўзи деярлик бўлмаса ҳам. Қайтишда, пиёдаладик. Болалар ўз холимизча, яъни қизим билан мен. Атрофга разм солим, кекса чинорлар кесиб ташлангани, шаҳримиз хуввиллаб қолгани, бу ҳақда эса Наманган телевидениесига кўрсатув бўлгани, кўрсатувда чинорлар 70-80 йил олдин пала-партиш экилгани, бу тартибсизликка барҳам бериш учун уларни кесиб ташлаб, ўрнига арча экиб янги тартиб ўрнатишгани ва шаҳримиз кўркига янада кўрк қўшилиб чирой очгани ҳақида сўз борганини эслаб, алам билан ҳажвия қилиб келаётган эдик...

Ўлганинг устига тепган

...шу пайт биздан сал нарироғда чиройли, кетиворган, Ўзбекистонда бунақаси йўқ машина тўхтади. Машинани давлат рақами қирғизистонники эди, йўл сўраш учун тўхташибди. Машинада тўрт киши ўтирарди. Уларнинг бири машинадан тушди, қадбаланд, ёши қириқларда, норғил, кўринишидан зиёли сифат, биз билан саломлашганча, ёнимизга келди. У ўзимни миллатдошим, ўшлик ўзбек экан. Улар Тошкентга кетишгаётган экан. Саккиз йилдан бери Ўзбекистонга келишмаган экан, қариндошларини зиёрат қилгани келишибди. Уларга йўл кўрсатиш баробарида саволларга кўмиб ташладим.

- Қирғизистонда аҳвол қандай ука? - дея сўрадим

- Хаммаси яхши. - жавоб берди у.

- Ҳа. 2010 йилда ўзбекларимизни қирворидию. Ҳозир ҳам қирғиз фашистлари, безорилари ўзбекларимизга кун бермаяптику?

- Ё унақа эмас, хаммаси яхши. - аниқлик "қиритади" миллатдошим.

- Биз бу ерда биламиз, ўзбек аёлларини зўрлашганини, қорнидан боласини сўйиб, суғириб олиб тегишганини, ўзбекларимизни ёқишганини. Биласизми бу ишларни ким қилганини?

- Мен бунақа ишларга аралашмайман, тушинмайман, қўлларимни қаранг қамариб кетган. - дея қўлларининг кафтини кўрсатди у. Кеч кириб, қоронғулик бағрига чўмаётган маҳал эди, қўлларини қамаргани кўринмади ҳам. — Мен устаман, уларни ремонт қиламан. - деди у.

- Канча ўзбекларимизни йўқ қилиб юборишди? - дея тагин эзмаландим.

-Ҳа, ўша йили 2000 та ўзбекларимизни ўлдириб юборишди. - дедию, бироқ юзида ҳануз кувноқлик аломати йўқолмади.

Мен эса қайғуга ботдим. Қайғуимга янада қайғу қўшган, юрагимни янада сиққан омил эса, бу миллатдошим 2000 нафардан ортиқ ўзбек ўлдирилганини айта туриб, юздан табассум аримаганида ва қўли қавариб кетган усталиги учун бунақа ишларни тушинмай, тагин аралашмаслиги эди.

Бугун бу аҳволга тушимизга ким сабабчи эканлигини тушундим. Сиз ҳам, ҳурматли ўқувчи, Сиз ҳам тушиндингизми? Бир ўзбекка тикан кирса, бошқа ўзбекнинг тани оғримас экан... Бутун миллатга, хоҳ Қирғизистон ўзбеклари бўлсин, хоҳ Ўзбекистон халқи бўладими, бундай тасодиф учрашув билан баҳо бериш балки хатолиқдир. Миллатимиз ичида қони қайнаган, юрагида ўти бор вакилларимиз ҳам етарлидир, лекин нега ким билан гаплашманг доим лоқайдликни сезамиз?

Баъзида ўйланиб қоласан киши, бошқа миллатлар қанака экан? Улар ҳам ўз ватанларида лоқайдмикин ёки бизни юртимизни эгаллаган диктатура лоқайдликка сабабчимикинлар? Балки лоқайдлигимиз диктатурага, қурбонларига айланаётганимизга олиб келаётгандир? Қирғизистонда бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларга биринчи ўринда Ўзбекистондаги ўзбекларимиз айбдордирлар! Қачонки биз миллат бўлиб, ўз миллатдошларимизни Ватанда ҳам, ташқарида ҳам ўзимизни яқинимиздай сезмас эканмиз, биз ҳеч қачон яхшилиқларга эриша олмаймиз!

Менимча бундай аҳволларимизга барҳам беришнинг бирдан бир йўли, ўзбек деган номни тиклашнинг йўли - бу ўзбеклар биродарлиги бўлиши керак. Бошқа миллатлар қанақа экан, уларни ҳам бошига шундай диктатор келганда чидаб, сабр этиб яшайверармикин?

Отахон ҳасратини оққа туширувчи
Илҳом Мамедов

ҚАЧОН КЕЛАР ЎША ХУШХАБАР?

Келса эди, юртдан хушхабар
Ҳеч ўйламай, шу он кетардим.
Космик тезлик ҳеч нарса менга,
Ундан ўзиб, уйга етардим.
gastarbaiter

Келса эди, юртдан хушхабар
Тил чикди, деб барча соковга.
Замонимиз келди бизни, деб
Тупурардим Пекин, Масковга.

Келса эди, юртдан хушхабар
Қалқиди, деб сени тукқан халқ.
Халқим пойин бориб ўпардим
Қасам сенга эй ягона Ҳақ.

Келса эди, юртдан хушхабар
Чикмоқчи, деб халқинг майдонга.
Майдонларда турмоқлик учун,
Қанот қокқум Ўзбекистонга.

Келса эди, юртдан хушхабар
Қутилди, деб халқинг зулмдан.
Уммонлардан сакраб ўтардим,
Қайтаролмас довул йўлимдан.

Келса эди, юртдан хушхабар
Йиқилди, деб тахти баттолни.
Юртга шундай елиб борардим,
Доғда қўйиб бутун шамолни.

Келармикан юртдан хушхабар
Деб, кутади ўғлинг дарбадар.
Уйғонсангчи эй менинг халқим,
Ухлаш мумкин наҳот шу қадар?!

Қачон келар ўша хушхабар...?

«Дангасалар» жамоаси



«ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИМАН!»

Тошкент шаҳри. Ойбек метросидаги “Ангел” ресторани ёнида турибман. Кеч соат бир эди. Ёнимга 12 ёшлардаги бир бола келиб нонга пул сўради.

Ростдан нонгами?, деб сўрадимда, телефонга тикилиб ўз ишимни қила бошладим. Бола буни рад жавоби, деб ўйлаб ўз йўлига кетди. Шунда уни тўхтатиб, сенга пул керак эди, шекилли, дедим.

– Кел, мен сенга пул бераман, олдин сен билан бироз гаплашсам бўладими?, – дедим. Бола хохламай, ишонқирамай суҳбатга киришди. Аниғи, у нимани истаётганини билмасдим.

– Отинг нима?

– Олим.

– Неча ёшдадасан, қаерликсан, нега кўчадасан?

– Ёшим 12 да. Дадам йўқ, онам ташлаб кетган, сергелиликман.

– Нега, қачон?

– Ойим кўп ичарди. 10 ёшлигимда онам уйимизни сотди, бирга Чорсу бозорига келдик. У ерда овқатландик, сўнг у менга, кутиб тургин, ҳозир келаман, деб кетди. Кечгача кутдим, келмади, шунда билдимки, у мени ташлаб кетган экан.

– Кейин қаерга бординг?

– Кўчама-кўча юриб Олой бозорига келдим. Тиланчилик қила бошладим. Шу-шу кўчадаман.

– Болалар уйи ёки милицияга мурожаат қилиб, вазиятни тушунтирмадингми?

– Бу ёшимда мени Болалар уйига олишмайди, устига-устак ҳужжатларим ҳам йўқ. Милиция бўлса ёрдам бермади.

– Ичасанми? Чекасанми?

– Йўқ. Ичмайман ҳам чекмайман ҳам.

– Ёлғиз ўзинг кўчада қийин эмасми?

– Қийин...

Шу пайт олдимизга яна бир бола келди. Кўринишидан у Олимнинг тенгдошига ўхшар эди. Худди Олимдек бу бола ҳам пул сўради. Бошқа гапга улгурмай бизнинг суҳбатимизга қўшилиб Олимдан, қаерда эдинг?, деб сўради.

– Ҳа, биз дўстмиз. Икки йил олдин танишганмиз. Ушанда менинг онам буйрак ракидан ўлган пайт эди. Отам ичади, мени ва бувимни уради. Шунда уйдан қочиб кетаман. Кундуз кунлари бувим билан баклашка йиғаман. У 67 ёшда. Кечалари тиланчилик қиламан, ижарага 150 доллар пул тўплаб беришим керак, ҳар ойда. Ҳамма пулларимни йиғиб бувимга бераман.

– Қандай қилиб ижарада яшайсан? Тошкентлик эмасмисан?

– Дадам қарзга ботган эди, уйимизни сотишга мажбур бўлдик.

– Сен мактабда ўқийсанми?

– Ҳа, ўқийман. (У ё 25 ё 125-мактаб деди.)

– Сен-чи, Олим?

– Йўқ ўқимайман, ҳужжатларим йўқ.

– Қаерда тунайсизлар? Сизларни бошқа дайдилар хафа қилмайдими?

– Дуч келган жойда, ёзда подъездларда, қишда компьютер хоналарда тунаймиз. Хеч ким бизга тегмайди. Биз ҳам бошқаларга қўшилмаймиз. Ичиб-чекмаганимиз учун бошқа дайдиларга қўшила олмаймиз. Бизга ҳеч ким тегмаса биз ҳам ҳеч кимга тегмаймиз.

– Қандай қилиб?

– Менинг қизил карточкам бор, руҳий касалхонада даволанганман. Битта болани бошига қизиб турган қозон билан туширган эдим. У онамни сўккан эди, алам қилганди. Қозон билан урганимда қўлимни ҳам куйдириб олдим, – деди Андрей.

– Сени отанг хафа қилмайдими?

– Уради. Айниқсан ичганида. Яқиндан бери урмай қўйди, чунки мен ҳам бир гал қайноқ това билан урган эдим уни. Олим ҳам ўшанда ёнимда эди, унга тухум пишириб бераётган эдим.

– Милицияга хабар қилмайсанми?

– Фойдаси йўқ.

– Олим, кўлингдаги яра нимани асорати?

– Милиция айбдор.

– Нега?

– Улар бирор жиноят бўлса, бизни қийноққа солишади, ҳамма айбни бизни бўйнимизга юклаб қўймоқчи

бўлишади. Лекин Яккасаройда дядя Саша деган киши бор, у мени жиноят содир этмаслигимни билади. У келиб гувоҳлик берса, мени қўйиб юборишади.

– Сизлар таниш-мисизлар?

– Ҳа.

– Сенинг отинг нима, неча ёшдасан? Қаерликсан?

– Андрей. 14 ёшдаман. Чилонзорда Мирзо Улуғбек паркинги ёнида яшайман.

– Дўстмисизлар? Сенинг тарихинг қандай? Онанг, отанг...?

– Сен балки биларсан? Давлатнинг ҳимоя фондлари, ижтимоий кўмак ташкилотлари бор, қариндошларинг йўқми?

Андрей: Биз кимга ҳам керакмиз. Пул топиб одамга ўхшаб яшасак қариндошлар эслаши мумкин. Маҳалла бир сафар ёрдам бермоқчи бўлди. Озиқ-овқат ва пул борасида, аммо алдашган экан. Кейин мен ҳам уларни икки марта алдадим.

– Худого ишонасизларми?

– Ҳа, биз ҳар якшанба куни Шимоллий вокзалдаги черковга борамиз.

– Сизга у ерда қандайдир ёрдам кўрсатишадими?

– Кийим, пул, овқат беришади. Пушкин метросидаги черковда ҳам ёрдам беради, деб эшитганман.

Аммо у ерга 18 ёшдан паспорт билан бориш керак экан. Чунки у ерни доим милиция текширади.

Шу пайт Олим Андрейга, қаттиқ уйқуси келаётганини айтиб кетишни таклиф қилди. Мен улардан ким бўлмоқчислар, деб сўрадим.

Олим: Мен ҳеч ким бўла олмасам керак.

– Нега тушкунликка тушасан? Орзуйинг бордир ахир, ким бўлишни истайсан?

– Билмадим. Яхши маош тўлайдиган ишим бўлса бўлди.

Андрей:

– Мен Президент бўлмоқчиман!

– Сенинг орзуйинг зўр! Бунга эришасан, – дея Олим уни шоширди.

– Тўхтанглр! Мен пул ваъда қилган эдим-ку. Сизларни расмга тушириб интернетга қўйсам майлими? Чунки мана Олим, сенинг ҳужжатларинг йўқ. Балки оинг шу йўл орқали сени топар. Балки, онанг сени ташлаб кетишни истамагандир, истаган бўлсаям ҳужжатларингни қайтарар. Шахсиятингни тиклашинг керак-ку. Сенга бўлса, Андрей, кимдир ёрдам берар, дунёда яхши одамлар бор ҳали.

– Майли, қарши эмасмиз.

Мен уларни расмга тушириб, ваъда қилганимни бердим. Чунки бу болаларни бошқа алдаб бўлмас эди. Зеро, улар ёлғоннинг энг каттасини бошидан ўтказиб бўлган эди. Баъзида уларга пул бериб, юракни хотиржам тортириб, ўтиб кетиш мумкин ёки барибир ичади, деб ўйлаб юракни алдаб ўтиб кетиш мумкин. Лекин ҳаммасидан қарири, уларга росмана эътибор қаратиш... Бу эътибор эҳтимол келажагимизни ҳал қилар.

– Майли, қарши эмасмиз.

Мен уларни расмга тушириб, ваъда қилганимни бердим. Чунки бу болаларни бошқа алдаб бўлмас эди. Зеро, улар ёлғоннинг энг каттасини бошидан ўтказиб бўлган эди. Баъзида уларга пул бериб, юракни хотиржам тортириб, ўтиб кетиш мумкин ёки барибир ичади, деб ўйлаб юракни алдаб ўтиб кетиш мумкин. Лекин ҳаммасидан қарири, уларга росмана эътибор қаратиш... Бу эътибор эҳтимол келажагимизни ҳал қилар.

– Майли, қарши эмасмиз.

Мен уларни расмга тушириб, ваъда қилганимни бердим. Чунки бу болаларни бошқа алдаб бўлмас эди. Зеро, улар ёлғоннинг энг каттасини бошидан ўтказиб бўлган эди. Баъзида уларга пул бериб, юракни хотиржам тортириб, ўтиб кетиш мумкин ёки барибир ичади, деб ўйлаб юракни алдаб ўтиб кетиш мумкин. Лекин ҳаммасидан қарири, уларга росмана эътибор қаратиш... Бу эътибор эҳтимол келажагимизни ҳал қилар.

Сардор Ёқуб

Тошкентликлар эътиборига: Ким бу болаларга ёрдам бермоқчи бўлса, кечки пайт Ойбек метросида бўлишади. Олимнинг онасини исми Света, фамилиясини унутган.

**(АҚШНИНГ ЁРИТИЛМАГАН
МАНЗАРЛАРИ. 1-МАҚОЛА)**

«Ўртоқлар! Facebook даги саҳифаларингизни ёпинглар, сизлар Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) га текинга ишлаяпсиз. Сноуден ишига яна бир марта диққат билан разм солинглар.» [1] ИРИС ВАРЕЛА

бўлиши керак эди. Лекин компютеримни назорат қилаётган махсус хизмат ходими мақолам бошига бурнини жийириб турган бегона аёл суратини ҳар сафар чаплай бошлади. Натижада FACEBOOK да “Эдвард Сноуденни қўллаб-қувватлайлик!” Мурожаатнома бегона аёл сурати билан чоп этилди.

Шерали Жўраев 2013 йил 12 апрел куни 66 ёшга тўлиши муносабат билан [3]-китобимдаги “Турналар” кўшиғининг тарихи” номли 10-параграфни уч мартага яқин кенгайтирган ҳолда 2013 йил 12 апрел куни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилгандим ([6]-га қаранг).

Махсус хизматлар розилигимсиз

МАХСУС ХИЗМАТЛАРНИНГ ФАСЕBOOKДАГИ ПАСТКАШЛИКЛАРИ**КИРИШ СЎЗИ**

“Америка овози” радиоси журналистлари тайёрлаган ва 500 дан ортиқ сони эфирга узатилган “Америка манзаралари” туркум эшиттиришлари бор. Бу эшиттиришларда АҚШ ҳукумати ва кучишлатар органлари гашини келтирмайдиган маълумотларгина берилган.

АҚШ кучишлатар органлари, айниқса махсус хизмат органлар фаолияти ҳамда қилмишлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар бу эшиттиришларда келтирилмаган. Бунга доир айрим маълумотлар бошқа мақолаларда келтирилган. Бу маълумотлар АҚШдаги бошқа тилдаги ахборот воситаларида чоп этилган мақола ва кўрсатувлар асосида берилмоқда.

Мабуло АҚШ кучишлатар органлари билан боғлиқ мустақил ахборот берилса ўша журналист тазйикқа учраши ва ишдан ҳайдалиши турган гап.

Менинг фикримча, Ўзбекистон махсус хизмати бўлмиш Миллий хавфсизлик хизмати ва АҚШ махсус хизматлари кўп йиллардан бери биргаликда фаолият олиб боришмоқда. Чунки мен ёзган ва ёзаётган танқидий мақолаларимнинг ақсар кўпчилиги ўзбек тилида бўлиб, Ўзбекистон билан боғлиқ мавзулардадир.

“Америка манзаралари” номида ҳам бироз ноаниқлик бор. Ушбу 500 дан ортиқ эшиттиришларда фақат ва фақат АҚШ манзаралари акс эттирилган. Америкада эса 36 та мамлакат ва 17 та мустақил худуд бор ([2]).

Таккослаш учун: фақат Ўзбекистондаги айрим воқеа-ҳодисалар ҳақида эшиттириш тайёрлаб унинг умумий номини “Осиё манзаралари” деб аташ мумкинми? Албатта йўқ. Ахир Осиё китъасида 54 та давлат бор, улардан 4 таси қисман тан олинган [3]. Осиёда кўпминг йиллик тарихга эга бўлган Хитой ва Ҳиндистон каби буюк давлатлар ҳам бор.

Шу сабаблар туфайли туркум мақолаларимни “АҚШнинг ёритилмаган манзаралари” дея атадим. Бугун шу туркумдаги биринчи мақоламни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқдаман.

**FACEBOOK ДАГИ
ПАСТКАШЛИКЛАР**

Мен www.uzxalqharakati.com сайтида 2013 йил 25 июн куни “Эдвард Сноуденни қўллаб-қувватлайлик!” номли Мурожаатноманинг ўзбек тилидаги вариантини Кириш сўзи билан чоп эттирдим ([4]).

Шу Мурожаатни FACEBOOK даги “Шухратжон Ахмаджонов” номли саҳифамга ва Бош саҳифага қўйишга ҳаракат қилдим. Мурожаатнома бошида Эдвард Сноуденнинг фотосурати

Таъкидлашим ўринлики, ушбу аёл сурати компютер ёрдамида монтаж қилинган суратдир. Мен 1964 йилдан, яъни деярли 50 йилдан бери сураткашлик билан шуғулланиб келмоқдаман. Компютер ёрдамида фуқаро суратини ўзгартириш услуларида ҳам унча-бунча хабардорман.

Махсус хизматларнинг FACEBOOK даги бундай провокация ва пасткашликлари кўп марта содир қилинмоқда. Шундай пасткашликларига доир айрим фактларни келтириб ўтай.

FACEBOOK даги “Шухратжон Ахмаджонов” номли саҳифамни 2011 йил 18 сентябрда очган эдим. Шундан бери махсус хизматлар кўпгина пасткашликлар қилди ва қилмоқда. Масалан, айрим FACEBOOK даги дўстларни икки мартадан рўйхатдан ўтказган. Масалан, Ёдгор Турлибеков, Тоғбой Абдураззоқ, Алишер Таксанов икки мартадан фотосурати билан бирга рўйхат қилинган.

Саҳифамнинг “Хроника” бўлимида “Музыка” (“Қандай мусиқани яхши кўрасиз? Қайси кўшиқчи мухлисиз?”) деган саволлари бор. Огинскийнинг “Ваган билан хайрлашув” полонези менга ёқиши ҳақида ёздим. Мен машҳур ҳофиз Шерали Жўраевнинг 1970 йилдан бери мухлисман. Шу сабабли Шерали Жўраев мухлиси эканлигимни белгиланган эдим. Бошқа ҳеч қандай кўшиқчи ҳақида ёзмагандим.

2013 йил бошларида очиб карасам еттига кўшиқчини, жумладан Ботир Қодиров номли ёш хонандани махсус хизматлар ёзиб қўйишибди. Мен Ботир Қодировнинг бирорта кўшиғини тингламайман ва мухлиси эмасман. Бу махсус хизматларнинг пасткашларча провокацияси, деб ҳисоблайман.

Мен ҳофиз Шерали Жўраев ҳақида китоб ёзиб сайтларда чоп эттирганман. Китобнинг 3-нашрини 2008 йил октябрда қирил ва лотин алифбосида тайёрлаб сайтларда бир неча марта қайта-қайта чоп эттирдим. Лекин махсус хизматлар пасткашликлари ва айрим ўзбек зиёлиларининг Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорлиги натижасида китоб баъзан сайт билан бирга йўқ қилинди, баъзан фақат менинг китобим ва мақолаларим сайтлардан ўчирилди. Бу ҳақда озроқ маълумот “Фойдаланилган адабиётлар” бўлимида [5]-да ёзилган.

Бугунги кунда ушбу китобим лотин алифбосида www.muvozanat.info сайтида сақланган ([5]-га қаранг).

Китобнинг 4-нашри учун материалларни 2009 йилда тўплагандим. Лекин махсус хизматларнинг доимий ва ҳар хил тазйиклари сабабли китобнинг 4-нашрини ёзишга имкон бўлмади.



бир неча марта менинг FACEBOOK даги саҳифам (аккаунтим)ни тубдан ўзгартиришди. Масалан, икки устунли қўринишга ўтказишди.

FACEBOOK даги айрим дўстларим мен билан алокани Topface ва бошқа ярим ёпиқ бўлимларда давом эттиришни таклиф қилишганди. Ишончим комилки, махсус хизматлар ўша саҳифаларга ҳам бемалол кираверишади. Шу сабабли мен улар билан ўзаро алокани очик умумий саҳафада олиб боришни таклиф қилганман ва шу таклифда қоламан.

МРБнинг собиқ ходими Эдвард Сноуден АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги PRISM ва бошқа компютер дастурлари ёрдамида дунё бўйича интернетдан (жумладан Facebookдан) фойдаланувчиларни назорат қилаётганини махфий ҳужжатлар асосида асослаб берганди. Мен бу ҳақда [7]-Мурожаатноманинг Кириш сўзида ёзгандим.

Венесуэла Жазони ўташ муассасалари ишлари бўйича вазири Ирис Варела хоним шу кунларда ватандош фуқароларига қилган мурожаатини юқорида келтиргандим.

Албатта, Facebook даги саҳифани ёпиш ёки ёпмасликни ҳар бир киши ўзи ҳал қилсин.

Энг муҳими: Facebook даги фаолиятингизни махсус хизматлар, жумладан Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати кузатаётгани ва ушбу ёзишмаларга аралашаётганини унутмаслик керак.

Эслагиб ўтаман: Венесуэла раҳбарияти АҚШ махсус хизматларини фош этган МРБнинг собиқ ходими Эдвард Сноуденга сиёсий бошпана бериш ҳақида расман айтган. Эдвард Сноуден бу таклифни қабул қилди. У ҳозирча Москва Шереметева аэропортининг транзит бўлимида қолмоқда. У яқин кунларда у ердан жўнаб кетса керак.

(Давоми кайинги саҳифада)

МАХСУС ХИЗМАТЛАРНИНГ ФАСЕБООҚДАГИ ПАСТКАШЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олиндинги саҳифада)

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Венесуэльский министр призвала соотечественников отказаться от Facebook (Венесуэла вазири ватандошларини Facebookни рад қилишга чақирди). — gazeta.ru

Ирис Варела хоним — Венесуэла Жазони ўташ муассасалари ишлари бўйича вазири.

2. Америка. -ru.wikipedia.org

3. Азия. — Азия. ru.wikipedia.org

4. Эдвард Сноуденни қўллаб-қувватлайлик! — uzxalqharakati.com

5. АҲМАДЖОНОВ Ш. Шерали Жўраевдек ҳофиз ва шоир юз йилларда бир марта туғилади. Китобнинг тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри.

- Китобнинг 1-қисми (лотин алифбосида). - muvozanat.info

Китобнинг 2-қисми (лотин алифбосида). - muvozanat.info

turonzamin.org (Китоб кирил ва лотин алифбосида www.turonzamin.org сайтнинг “ДҮК китоблари” рукнида 2009 йил 1 март куни чоп этилганди. Уни бир неча ойдан кейин кимдир сайтдан ўчириб ташлади).

yangidunyo.com «Янги Дунё» кутубхонаси» бўлими, 2009 йил 16 март: 2009 йил июлида

Уйғуристон маркази Урумчида Хитой режими уйғурларни ноҳақ қирғин қилаётганини сайт раҳбарияти мақолалар ҳамда фотосуратлар билан ёритаётганида сайтга кибер ҳужум уюштирилди ва сайтдаги кўпгина мақолалар

ва китоблар, жумладан ушбу китоб ўчириб ташланди.

Китобнинг кирил алифбосидаги вариантини 2012 йил март ойида қайтадан www.yangidunyo.com сайтига жўнатдим ва у сайтда чоп этилди. Лекин 2012 йил октябрида Канадада яшаётган журналист Фахриддин Худойкулов сайтдаги барча мақола ва китобларни ўчириб ташлади; himoyachi.ucoz.ru 2009 йил 17 март: бу сайт раҳбари Муҳиддин Курбонов китобнинг www.yangidunyo.com сайтидаги манзилига ҳавола қилган эди).

6. АҲМАДЖОНОВ Ш. “Турналар” кўшигининг тарихи. — munosabat.org, uzmavzu.com

7. Эдвард Сноуденни қўллаб-қувватлайлик! — uzxalqharakati.com

Шухратжон АҲМАДЖОНОВ



рўмолларини ечмаса, улар

б о з о р д а н ҳайдалмоқда:

- Б и з д а ҳижобли аёллар савдога чиқса, улар огоҳлан-тирилаяпти.

А г а р огоҳлантиришга қарамай яна ч и қ а д и г а н бўлса, жойи олинаяпти ёки жаримага тортилаяпти. Бу нима бўйича профи-

суҳбатдошимиз

микрофонсиз

суҳбатда.

Қўйлиқ бозорида эса, бозор ходимининг Озодликка билдиришича, ҳижобли савдогар аёлларнинг рўмолларини орқадан ўрашга эришилгани боис, ушбу бозорда атиги битта ҳижобли савдогар қолган:

- Энди бизларда ўзи тадбиркорлар орасида ҳижобли аёллар таги йўқ.

Биттаси бор. Улар энди ҳажга бориб келганлар. Ҳожи оналар. 60дан ошган. Уларга рухсат берилган, дегандай қиладиларда улар. Уша эски тадбиркор. Қолганлари, энди борларига ҳам, масалан, фақат тушунтириш ишлари олиб борилади.

Келди-кетди сезонний бўлади,

РАМАЗОНДА ҲИЖОБЛИ САВДОГАРЛАР БОЗОРДАН ҲАЙДАЛАЯПТИ

Мусулмонлар учун муқаддас ой — Рамазони шариф бошланиши арафасида Тошкент бозорларида савдо қилаётган ҳижобли аёллар, рўмолларини ечиш ёки расмийлар маъқул топган тарзда ўраш босими остида қолди. Акс ҳолда, улар савдо ўринларидан ажраб, бозорга қўйилмасликдан огоҳлантирилмоқда.

Тошкент шаҳри бозорларида бош ҳисобчи, ташкилий бўлим бошлиғи, патта йиғувчи ва бозорнинг хавфсизлик бўлими раҳбаридан тузилган махсус гуруҳ ҳижобли аёлларнинг савдо билан шуғулланиши олдини олиш ишларига масъул этиб тайинланган.

Озодлик муҳбири пойтахтдаги ўнга яқин йирик бозор билан боғланганида, барча бозорларда ушбу махсус гуруҳ ходимлари маҳаллий милиция бўлимлари билан ҳамкорликда ўранган аёлларга қарши кураш олиб бораётгани ҳақида маълумот олди.

Эски жўва бозорининг исмини ошкор қилмаётганимиз ходимига кўра, мазкур гуруҳ ҳижобли аёллар агар огоҳлантиришга қарамай

лактика инспектори, хавфсизликдан, ҳаммамиз бирга ишляяпмиз.

Жарима миқдори ҳар хил. 10 баробар, 15 баробар, 100 баробар энг кам иш ҳақидан. Бир-икки марта жарима қилиб ҳам яна ҳижобда юрган бўлса, жаримага тортилиб жойи олиб қўйилаяпти, деди Эски жўва бозори ходими.

Тошкентдаги энг йирик “Чилонзор буюм бозори” (собиқ “Ипподром — Отчопар” бозори) раҳбарияти ҳам ҳижоб кийган аёлларни бу кўринишда савдо қилиш тақиқлаб қўйилишидан огоҳлантирди.

Бозор раҳбариятидан олинган маълумотга кўра, ушбу бозордаги 40 та дўконда ҳижобли аёллар савдо билан шуғулланаётгани аниқланган.

“Чилонзор буюм бозори”нинг хавфсизлик бўлимидан олинган маълумотга кўра, ўтган ҳафта охирида савдогар аёллар бозорга ҳижобда келмаслик борасида огоҳлантирилган.

“Агар ҳижобли аёллар огоҳлантиришдан хулоса чиқармаса, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши”ни кўшимча қилди

мавсумий савдода. Шунақаларга тушунтириш ишлари айтилади, олиб борилади, тарғибот қилинади. Уйда ўтирсанглар, масалан рўмол ўраб ўтиринглар, бозорга чиқсанглар, ўзбекча миллий қилиб орқадан ўраб олинглар, дейилади, деди Қўйлиқ бозорининг ўзини таништирамаган ходимаси.

Ўзбекистонда кейинги 4-5 йил давомида рўмолли аёлларга қарши кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётгани кузатилмоқда.

Дастлаб давлат идораларида ишловчи аёлларга рўмолларини ечиш талаби қўйилди. Кейин ушбу тақиқ мамлакат бозорларига кўчди.

2010 йилдан бошлаб ўқувчи қизларга рўмол ўраш мутлақо тақиқланди.

Бугунги кунда мамлакат олийгоҳларининг талаба қизларига ҳам рўмол ўраш тақиқланган.

Жорий йилнинг июн ойида Қўқон шаҳрида яшовчи рўмолли аёлларга агар рўмолларини ечмаса болаларига бериладиган нафақа пуллари тўхтатилиши билан таҳдид қилинди.

ozodlik.org

Жамиятда инсонлар орасидаги ахлоқий ва маънавий нормаларнинг издан чиқиши ёки яхши йўлга тушиши кўп омилларга, шу жумладан ҳукумат ва унинг раҳбари танлаган бошқарув идеологиясига ҳам боғлиқдир. Бу маънода диктатура усули билан бошқариладиганган жамиятлар инкрозга юз тутаверадилар. Эркинлик ва Адолатпарварлик нормалари билан бошқарилган жамият эса маънавий ва иқтисодий ривожланаверади.

Искандар Зулқарнайн (Алексадр Македонский)дир.

Даврлар тақозаси билан ўзбек миллатининг тарихида ҳам, асрлар давомида халқ назаридан тушмай келаётган шахслар ҳам оз эмас.

Масалан: Амир Темур. Ўзининг дунё тарихидаги ўрни билан, шиддатли ва мохир кўмондонлик сифати билан, адолати ва аёвсизлиги билан бугунгча дунё халқлари назарида унутилмай келаяпти.

инқилоб аҳлини огохликка чорлаяпти. Чунки инқлоб ғояларини химоя қилишни ҳам билиш керак экан. Миср аҳлининг 80% Муҳаммад Мурсийни қўллаб қувватласа, нима учун қолган 20% аҳолининг тарафдорлари ҳукумат тепасига ноқонуний йўл билан чиқиб олдилар?

Миср давлатчилиги курраи заминимизда энг кўхна, яъни 4,5 минг йиллик тарихга ва буюк давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакатдир.

ҲАР БИР ХАЛҚ РАХБАРИГА ЛОЙИҚ БЎЛАДИ

Адолатли жамият аъзолари билан диктатура жамияти аъзоларининг фикрлашлари ҳар хилдир.

Диктатура жамиятидаги инсонларнинг ҳаётий ва ахлоқий нормалари диктаторнинг “тартибга солган” кўргазмалари билан мувофиқлашади. Диктатор инсонлардаги маънавий хусусиятларни инобатга олмай жамиятни бошқаришга интилади. Ясама, қалбаки шиорларни жамиятга тақдим этади. Натижада жамиятда ноҳақликлар ўртага чиқади ва унинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий ривожланиши издан чиқади.

Адолатли жамиятда эса инсоний-маънавий хусусиятлар ўзаро муносабатларга асос бўлади. Шунингдек, бундай жамиятда инсон эркинликлари ва ҳуқуқларига амал қилишга кенг йўл очилган бўлади. Бундай шароитда жамият ҳар тамонлама ривожланаверади.

Инсонларнинг маънавий баркамоллигига ва жамиятнинг юксалишига эришишнинг асосий йўли эса ҳеч шубҳасиз маърифатдир.

Халқни бошқарадиганлар ҳокимият тепасига келгач, ўз ақли-фаросатлари ва йймону этиқодлари билан давлатни бошқаришга ҳаракат қиладилар. Халқ эса ўз бошқарувчиларидан сабоқ ва ўрнак олиб, уларга лойиқ бўлишга интилади. Шунинг учун ҳам жамият таракқиётининг даражаси уни бошқарувчиларининг этиқоди, илми ва маданиятининг маҳсулидир.

Дунё тарихида турли туман халқлар ҳар хил даврларда турли бошқарув шакллари ва ҳукуматларга эга бўлишган. Баъзан ҳукмдорлар диктаторлик ёки ўзгача бошқарув шаклига эга бўлиб, миллат тарихида ўзларига хос из қолдирганлар.

Улар орасидан миллатнинг тарихий йўналишига аниқлик киритиб, миллат обрўсини юқори кўтарганлари бўлган. Миллат узок йиллар давомида бундай ҳукмдорларни ўз ишларида ибрат билиб, ҳатто уларни илохийлаштирганлар.

Бунга ёркин бир мисол, бизнинг тарихимизга ҳам алоқаси бўлган Буюк



У тарихда бир афсонага айланган. Хоразмшоҳлар. 11-13-чи асрларда Марказий Осиёда ва дунёда энг қудратли бўлган Хоразм ипериясини тузушга муяссар бўлдилар. Улар ўзбек миллати тарихида энг намунали давлатчилик асосларини барпо қилган сулоладир. Миллатимиз бугун ҳам Хоразмшоҳларни миллатимизга лойиқ шахслар эканини унутмаганлар.

Каримов режими эса тарихимизнинг бу саҳифасига, негадир эътиборсиз қолаяпти.

Ватанимиз тарихидан келтирилган бу икки мисолда, халқимиз қандай ҳукмдорларга лойиқ эканини ва қимлар халқимизни ўзига лойиқ, деб билганларини кўриб турибмиз.

Бугун миллатимиз хойнохой Каримов шахсига лойиқдир. Нега-ки, ўзига хос Каримов, миллатни ўзига мос қилди. Миллатимиз танламаган раҳбарни, яъни Каримовни Москва ўз вақтида халқ елкасига мингизиб қўйди. Натижада биз дунёда энг коррупциялашган миллатга айландик. Юртимизда, порахўрлик оммавий тус олган. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Бугун Москванинг ўзи ночор аҳволга тушиб қолган.

Вақт барибир ўз ишини қилаверади. Вазият Каримовнинг ўз режими билан давлат тепасидан кетишини тақоза қиляпти. Миллатимизнинг катта бир қисми бунга бугуноқ ишонаяпти. Мен ишонаманки, давлат тепасига албатта бир мард инсон келади. Ва у ўз миллатига лойиқ бўлади. У миллатни ўзига лойиқ билиб, уни буюк келажак сари етаклайди, инша Аллох.

Бугун Миср воқеалари барча

Бу тарихни, бутун инсоният, болалигидан ўқиб ўрганишга одадланган. Мисрда не, не фиръавнлар ҳукумронлик қилмадилар. Хеопс ва Эҳнатон пирамидалари, инсоният қурулиш санъатининг энг қадимги намуналаридир. Лекин, Мисрнинг кўхна ва янги тарихида христиан динидаги фиръавн хали тахтга ўтирмаган экан. Бу оддий факт сўнгги воқеаларнинг аксил инқлобий моҳиятда

эқанини кўрсатиб турибди...

Ўзбекистондаги аҳволга қайтадиган бўлсак, ЎХХ дастурига мувофиқ унинг бошқарув принциплари халқ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирланган.

Бугунги кўп миллатли, кўп маданиятли мамлакатимизда бойу-камбағал, олим-жоҳил, ёшу-қари барчасини ўзимизники деб ҳисолаймиз. Ҳеч бир инсон, Каримов замонида халққа зулм қилган истисно албатта, қилмишлари учун янги ҳукумат олдида жавоб бермайди. Чунки халқнинг катта қисми қилаётган ноқонуний тирикчиликларида айбдор эмас.

ЎХХ ҳокимият тепасига келса, қонун устуворлигини, адолатни ва фуқаролар эркинлигини таъминлашни биринчи вазифаси, деб билади.

Қонун устуворлиги таъминланган мамлакатда, фуқароларга зулм қилиш ва инсонларни ноҳақлик билан жазолаш амаллари бўлмайди.

Халқимизнинг маданияти ва маънавий кучи унинг ҳар хил фавқулдда ҳолатларга тушмаслигига кафил бўлади, деб ўйлайман. Яхшиси биргаликда фикрлайлик, биргаликда ишлайлик. Зеро, кучимизга куч қўшилсин. Ниятларимиз холис бўлсин. ЎХХ га ва Эрк партиямизга аъзо бўлинг, ҳайрихоҳ бўлинг. Таклифлар, тақризлар ва аъзо булиш учун телефонлар

+99 890 927-14-05. Тошкент.

+99 891 122-45-81. Тошкент.

+99 890 270-28-10. Самарқанд.

Орзу ниятларимизга Аллохнинг Ўзи етказсин. Мамлакатимиз обрўсини Ярагганнинг Ўзи зиёда қилсин. Амин.

Жуманиёзов Нураддин

НАЗАРБОВЕВ ҚОЗОҒИСТОНДАГИ АҲВОЛДАН 'ЯХШИ ХАБАРДОР', КАРИМОВ-ЧИ?

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўз туғилган куни арафасида тайёрланган ҳужжатли фильмда мамлакатдаги аҳволдан бохабар эканлигини билдирган. 73ни қаршилаган Элбоши 300 — 400 саҳифа ҳужжатни ўқиб чиқишини айтган.

Қузатувчилар салкам чорак асрдан бери Қозоғистонни бошқариб келаётган Назарбоевнинг ҳамма нарсадан воқиф эканлигини шубҳа остига олади.

Маҳаллий КТК телеканали элбошининг 73га кириши муносабати билан «Назарбоев. Live» ҳужжатли филмини ишлади.

Унда журналистнинг: «Президент мамлакатда содир бўлаётган нарсалардан ҳар доим ҳам воқиф бўлавермайди. Сизга келиб тушаётган информацияларнинг ҳолислигини қандай таъминлайсиз?» деган саволига шундай жавоб берган.

«Биринчидан, бизнинг давримизда ҳеч нарсани билмаслик мумкин эмас. Чунки, ОАВ бор, боз устига интернет ҳам мавжуд. Истак бўлса, ҳамма нарсани, ҳаттоки, сен ҳақингда ёмон нарсаларни ҳам билиш мумкин. Мен ҳаммани эшитишга ҳаракат қиламан. Бир кунда 300-400 саҳифа ҳужжатни кўриб чиқаман. Тажрибали одам сифатида қатор оралаб ўқийман», — деган жаноб Назарбоев.

Президент бундан ташқари махсус хизматлар унга ҳолатни етказиб туришини ва ўзи ҳам ҳар йили турли жойларда бўлиб одамларнинг ҳолидан хабар олишини билдирган.

Дўстлари унга тўғридан-тўғри қўнғирок қилиб вазиятни билдириши ва ўзи ҳам дўстларига қўнғирок қилиб нималар бўлаётганидан бохабар бўлишини айтиб ўтган.

Назарбоев Қозоғистонни салкам чорак асрдан бери бошқариб келади.

Муҳолиф вакиллари Назарбоев бутун бошқарувни ўз қўлига олишга интилгани учун сўз эркинлиги бўғилиши, инсон ҳуқуқлари топталиш ҳоллари кўплиги, бу каби ҳолатларни эса, президент ва ҳукумат билмасликка олишини айтади.

Нурсултон Назарбоевнинг ўзи ҳам 2011 йил декабрда Жанаўзендаги тинч намоийшларнинг қонли тўқнашувларга айлиб оқиб кетган одамлар ўлганида минтақага сафар қилиб, нефтчиларнинг ҳолидан беҳабар қолиб кетганини, ёрдамчилари унга вазиятни бошқача талқин қилганини айтган эди.

Аммо, қонли тўқнашувлардан кейинги маҳкамалар асосан намоийшга чиққан нефтчиларни узоқ йиллик қамоқ жазола-рига ҳукм қилди.

Ҳуқуқ химоячиларининг ҳукуматга, шу жумладан, Президент Назарбоевга қилган мурожаатлари беътибор қолдирилди.

Ислон Каримов-чи?

Президент Назарбоевга замондош, унга ўхшаб мамлакатни 20 йилдан ошиқ бошқариб келаётган Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг баъзи танқидий чиқишларини кўплар «Президент жамиятдаги муаммолардан бе-

хабар» дея талқин қилишмоқда.

Хусусан, ўтган ой у Россияда ишлаётган миллионлаб ўзбек меҳнат муҳожирларини «дангаса» дея атагани саҳардан кун ботгунча ишлайдиган баъзи муҳожирлар орасида норозилик уйғотди.

Хўш, Президент Каримов ўз фуқаролари ҳаётдан неқадар бохабар? Биз ушбу савол билан жамиятшунос Алишер Илҳомовга мурожаат этдик.

Алишер Илҳомов: Биласизми, айтишим қийин, чунки мен Каримовнинг столига айнан нималар қўйилаётганини билмайман. Лекин, баъзи ишораларга ва баъзи кичик хабарларга таяниб, фикр билдирса бўлади. Каримов одатда энг майда-чуйда ишларга ҳам аралашади, ҳатто қандайдир скамейкани қаерга ўрнатиш ёки қандайдир бинога у ё бу безак берилиши масаласига ҳам. Шундай экан, аксинча, Каримовни жуда ҳам маълумотга бой одам деб ҳисоблаш мумкин. Бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан солиштирилса, бу каби майда ишлар унинг лавозимига тўғри келмайди. Давлат раҳбарлари энг асосий стратегик масалаларга эътиборини жамлаган бўлиши керак. Лекин, ёши ўтиб борган сари, унинг жисмоний имкониятлари ҳам чекланыпти ва у аралашаётган масалалар кўлами ҳам торайиб бораёпти. Жамиятда ва давлатдан ташқарида нималар бўлаётганидан нақадар хабардорлигига келсак, Каримов Россия телевидениесини кўриши айтилади. У Россия телеканалларида кўрсатилган у ё бу муаммоларга жуда таъсирланиб муносабат билдиради. Масалан, ўзбек муҳожирлари Россияда ишлаётгани ва ёмон муносабатга юз тутаётгани унга бир янгилик бўлди. Лекин, у муҳожирликнинг кўлами ёки ундан Ўзбекистон иқтисодига келадиган фойда ҳақида билмайди деб ўйламайман.

Би-би-си: Бу фойдани билса, нима учун у муҳожирларни ёқтирмайди?

Алишер Илҳомов: Бир томондан, расмий ўзбек банк ҳисоб-китобларига кўра, муҳожирлардан Ўзбекистонга келиб тушадиган маблағ 6 миллиард долларга тенг. Бу ўта катта даромад. Айни дамда, Ўзбекистон унга ҳеч қандай сармоя киритмаяпти. Қўлини қовуштириб, совға сифатида бу фойдани қабул қилиб олаяпти. Бу пул кўплаб соҳаларни жонлантиришга ёрдам бераёпти.

Би-би-си: Унда нимага муҳожирларни «дангаса» дейди?

Алишер Илҳомов: Бошқа тарафдан унда миллий онг, ғурур бор. Ўзбек муҳожирлари паст даражали ишларда ишлашаётгани уни хафа қилади. Шунинг учун, шундай муносабат билдирди.

Би-би-си: Сиз жаноб Каримов Россия каналларини томоша қилиши ҳақида айтдингиз. Нима деб ўйлайсиз, у интер-



нетдаги хабарларни ўқийдими? Баъзи манбаларнинг билдиришича, унга атрофидагилар хабарларни ёзма равишда етказиб беришади ва унинг ўзи интернетда ўтириб мустақил ахборот сайтлари ё муҳолифат сайтларини ўқимас экан.

Алишер Илҳомов: Бир нарса дейишим қийин. Балки у ўқир, чунки интернетдаги муҳолифат, мустақил ё диссидент сайтларга киришда унда муаммо бўлмаса керак. Унинг интернетига тўсиқ қўйилмаса керак. Истаса, бемалол Би-би-си Ўзбек Хизмати сайти ё Озодликка кириб кўриши мумкин.

Би-би-си: Қизиғи шуки, у интернетни ўқийдиган бўлса, қизи Гулнора атрофидаги муҳолифат хабарларга муносабат билдирмаяпти. Чунки, Ўзбекистонга бағишланган сайтлар одатда Гулнора ҳақидаги хабарлар билан ёрилади, дейди.

Алишер Илҳомов: У очикча муносабат билдирмаяпти. Бу ерда икки кутбли бир вазият мавжуд. Бир томондан, унда интернетга кириш имконияти бор, иккинчи томондан эса, унда қандайдир психологик тўсиқлар бор, яъни у ўз тамойилларидан келиб чиқиб Би-би-сининг ўзбек сайти ё Озодликни ўқимаслиги мумкин. Буни у ўзи учун паст бир нарса деб кўради. Балки у ўзига бўлган ҳурматга доғ туширишни истамайди. Бошқа томондан, менга аён бўлишича, унинг атрофида хабар етказиб турган шахслар доираси ўта тор. Билишимча, бу билан Миллий Хавфсизлик Хизмати шўғуланади. Президентнинг столига нима келиб тушишини МХХ тўла назорат қилади. Шунинг учун, унга турли қарашлар етказиб берилади деб бўлмайди. Бошқа вазирликлардан МХХ узатаётган версияга қарама-қарши хабар келса, МХХ бунга қарши чора кўради. Президент учун барча мавжуд масалаларни кўриб чиқиш ва уларга чора кўришга ўта кўп вақт керак бўлади, шунинг учун, улар муайян сиқилган, тор форматда хабар узатилишига ўрганганлар.

Би-би-си: МХХ бу хабарларни узатиш билан Каримовнинг фикр юритишини манипуляция қилади деб ўйлайсизми?

Алишер Илҳомов: Менимча, улар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда хабарларни етказиб беришади. Уларнинг ўз сиёсий қарашларига хайрихоҳ бўлган маълумот узатилади. Шундай экан, Президент истеъмом қиладиган маълумот бир томонлама ва бузиб кўрсатилган маълумот.

ГУЛНОРА КАРИМОВА ЖЕНЕВАДАН ҲАЙДАЛДИ



Айни вақтда бу хабар чиқишидан сал аввалроқ БМТнинг Женевадаги қароргоҳи матбуот хизмати Гулнора Каримова ҳануз Ўзбекистон ваколатхонасининг раҳбари сифатида қайд қилинганлигини билдирганди.

Ўтган ҳафта француз полицияси мамлакатдаги Гулнора Каримовага тегишли икки кўчмас мулкни хатлагани ҳақида хабар келганди.

Швейцария Ташқи Ишлар Вазирлигининг Би-би-сига билдиришича, Ўзбекистон Президентининг кизи Гулнора Каримова Женевадаги БМТ ваколатхонаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ваколатини тугатган.

Бу ҳақда Швейцариянинг Тошкентдаги элчихонасини 2013 йилнинг 9 июл куни Ўзбекистон Ташқи Ишлар вазирлиги хабардор қилган.

Швейцария Федерал Ташқи Ишлар вазирлиги бу борада бошқа тафсилотларни ошқор қилмади.

Швейцариялик журналист Ив Штейнернинг ўз манбаъларига таяниб айтишича, Гулнора Каримова олдига танлов кўйилган: Швейцарияда қолиб маҳкамага тортилиш, ё-да кетиш йўли ила Швейцариядаги мол-мулкни сақлаб қолиш.

Гулнора Каримова хомийлик қилиши айтилган «Фонд Форум»га яқин манбанинг билдиришича, 17 ва 18 июн кунлари Гулнора Каримовага тегишли Париждаги ҳашаматли уй ва Сан Тропе оромгоҳидаги виллага муҳр босилган.

Франсуз полицияси Швейцарияда тергов қилинаётган ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ жиноят иши доирасида амал қилгани айтилади.

Швейцария прокуратураси Франция ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўз сўровига биноан Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизига тегишли экани айтилган бир неча манзилга рейд уюштирганини тасдиқлаган.

Айтилишича, амалиётдан мақсад «ҳужжатларни қўлга киритиш бўлган».

Июн ойида эса Швециялик текширувчилар «Телиасонера» мобил телефон ширкатининг Ўзбекистондаги коррупцион фаолияти юзасидан ўтказилган журналистик текширувда ишлатилган Гулнора Каримова билан боғлиқ ҳужжатларни уларга тақдим этилишини сўрагандилар.

Ушбу дастурда «Телиасонера» тўғридан тўғри Гулнора Каримова билан музокаралар олиб борганлиги ҳақида ҳужжатлар тақдим қилиниб, ширкат ўзи учун химоя йўлида Каримова хонимнинг хайрия ташкилотларига ҳақ тўлаганлиги даъво қилинганди.

Бу ҳужжатларда Гулнора Каримова шахсан ўзи ёзган дастхатлар борлиги айтилди. Миссия текширувга кўра, ҳудди ана шу ҳужжатларни текширувчилар талаб қилганлар.

Шу йил бошида эса Швеция Апелляцион Маҳкамаси TeliaSonera мобил телефон ширкатининг Ўзбекистонда фаолият юритиш учун лицензия олиш жараёнида пора берганми йўқлигини текширган ва бу пора Швеция ҳудудида юз берган дея қарор қилганди.

Шундан сўнг Гулнора Каримовага яқин шахс томонидан бошқарилган, дея ишонилган Takilant ширкатида тегишли банк ҳисобларидаги миллионлаб доллар маблағ музлатиб қўйилиши ҳақида қарор чиқарилганди.

bbc.co.uk

“ҒАРБ ДУНЁСИДА КИШИЛАР МАЪНАВИЙ ТАНАЗЗУЛГА УЧРАЁТИР”

Сўнги пайтларда Ўзбекистондаги расмий ва мустақил оммавий ахборот воситаларида “оммавий маданият”, маънавий тарбия, “рангли инқилоб” мавзуларига мурожаат қилинди. Чунки, “Хуррият” газетасида “Маънавиятсизлик — тараққиёт кушандаси” сарлавҳали шарҳ чоп этилди. Унда дунёдаги кулфатлар ҳақида мисоллар келтирилиб, таҳлил қилинади.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 18 фоизини ёшлар ташкил қилади, дейилади мақолада. Уларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Ишсизлик, ёшлар ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ана шу ҳудудлардаги энг ўткир муаммолардан бўлиб қоляпти.

“Бундан-да ачинарлиси, давлатларни ичидан емиришга олиб келувчи маънавий хуружлар ва маънавиятсизликнинг авж олишидир. Бундай ҳолатлар кўпроқ океан ортида ва Европа мамлакатларида кузатиляпти. Ғарб дунёсида қисқа муддатли инқироз ва иш жойини йўқотган кишиларнинг маънавий таназзулга учраётгани, қоибада йўлида дуч келган инсонга қарата ўқотар қуролдан ўқ узаётгани ҳам фикримизнинг исботидир”, дейди мақола муаллифи А.Сайбназаров.

Муаллифга кўра, бу кўҳна дунёда маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емириляётгани ҳам

кузатилмоқда. Чунки Ғарбга хос бўлган турмуш тарзи, ҳаёт қадриятлари ва индивидуализм охир-оқибат пуч бўлиб чиқмоқда. Ушбу ҳавф фақат Европанинг ўзигагина тааллуқли эмас, албатта. Айни пайтда Яқин Шарқ ва Африка

давлатларида ёшларнинг хориждаги айрим нодавлат ташкилотлар ва сиёсий марказлар томонидан молиялаштирилаётган кучларнинг васвасасига учиб, кўчаларни тўлдиряётгани, на сиёсатдонларнинг, на кўпни кўрган одамларнинг гап-сўзига кирмай бошбошдоқликка бериляётгани ана шу мамлакатларда маънавият ва маърифат ишларининг, тарбиянинг ҳаминқадарлиги ҳосиласидир.

“...Ахборот маконида учта манфаат тўқнашди: ахборотни ишлаб чиқарувчилар, тарқатувчилар ва истеъмолчилар манфаати. Тарқатиш соҳасида қўлга киритилган тезкорлик имконияти, турган гапки, уни ишлаб чиқарганлар ва истеъмолчиларга ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Бу эса “ахборот хуружи” феноменини



юзага келтирди”, дейди муаллиф. Газетада қайд этилишича, барча халқлар учун қадрли бўлган инсоний ақидаларига мос келмайди-ган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб қилинаётган “беҳаё саҳналар” жиноятчиликни ҳаспўшлагга хизмат қиляпти, холос. “Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўлса, ўзининг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт. Чунки бундай ҳисдан бегона халқ, миллат охир-оқибат таназзулга учраши муқаррар”, деб хулоса қилади муаллиф.

vatandosh.uz

**Бисмиллаҳир
Роҳманир Роҳим**

Ибн Сино касалли-
кларнинг сабабининг
икки эканлигини айтган:

1. Кўп ейиш.
2. Овқатдан кейин яна овқатланиш.

Овқатланиш хусуси-
да эътибор бериш керак
бўлган хусуслар:

1. Овқат яхшилаб чай-
налиши керак:

Ҳазм оғизда тукирик
безлари тарафидан соли-
надиган ферментлар билан
бошланади. Бундан кейин
ошқозон ва ичакларда да-
вом этади. Овқат оғизда
қанчалик яхши чайналса,
мия таомланишдан олган
маълумотлар билан ҳазм

тизимини шунчалик яхши бошқаради.
Яхши чайналмаган таом ҳазм фаолияти-
ни биринчи босқичнинг ўзидаёқ бузади.

2. Оз -ейиш:

Соғлом инсоннинг ошқозони 200-
250 грамм озикнинг биринчи ҳазмини
3-4 соат ичида осонликча ҳал қила ола-
ди. Бунинг икки баравари ейилганда эса
ҳазм фаолияти кийинлашади, ортиқча
нарсалар вужудда тўплана бошлайди ва
юррак одатдан 4-6 марта кўп ишлай бош-
лайди. Кўп ейиш, инсонни семизлик ва
касаллик билан жазолайди. Аъроф су-
раси 31-оятда: «Енг-ичинг, лекин исроф
килмангиз. Аллоҳ исроф қилувчиларни
севмайди», дея марҳамат қилинган. Бу
оятдан бошқа Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.)
ҳадисларидан бирида: «Аллоҳга энг се-
вимли бўлганингиз энг оз еганингиз ва
баданан энгил бўлганингиздир», дейил-
ган.

3. Еб-ичишда навбатга эътибор бе-
риш хусусида:

Гўшт, тухум ва пишлок каби проте-
инли маҳсулотлар ошқозонда ҳазми узок
вақт давом этадиган озуқалардир. Тотли-
лар/ширинликлар ва мевалар ошқозонда
кўп қолмасдан ичакларга ўтиб, биринчи
ҳазмини мана шу ерда тугатадилар. Сув
эса ошқозонда вужуднинг иссиқлик да-
ражасига етгандан сўнг ичакга ўтади.
Бу сабабла сув аввал ичилиши керак.
Ундан кейин мева ёки тотли/ширинлик;
кейинроқ эса салат (сабзавот ва мевалар)
ва охирида овқат ейиш керак. Икки
хил таом ейиладиган бўлса, аввал энгил
ва сувли бўлгани, ундан кейин оғир ва
қурак таом тановул қилиниши керак.
Овқатдан кейин ейиладиган мева ва то-
тли/ширинлик ҳазмини тамомлаш учун
ичакка ўтолмайди. Ошқозонда ачийди ва
чирийди.

Қуръони Каримда бу силсилага/на-
вбатга рия қилиш тўғрисида далил-
лар бордир: «Хуш кўрганлари мевалар
ва қуш гўштлирини айлантирадилар»
(Бақара сураси, 57-оят)

Овқатдан кейин ичиладиган сув ва
бошқа суюқликлар ошқозонни кенгай-
тиради, ошқозон кислотасини сазълатиб
секинлаштиради, ҳазм даврини узатади.
Овқатланиш асносида сув ичиш эса яна
ҳам катта хато ҳисобланади. Лукмаларни



ОЙДИН СОЛИҲ. РАМАЗОН РЎЗАСИ

яхши чайналишига монъ бўлади. Ту-
кирик безлари керакли ферментларни
ишлаб чиқаролмайди ва ҳазм оғизда бу-
зилади. Хусусан ёз фаслига тўғри кел-
ган Рамазон даврида бу койдага эътибор
бериш жуда муҳимдир. Сув, овқатдан
энг оз 1,5 соатдан сўнгра ичилиши ке-
рак. Лекин баъзи ҳолларда лукма жуда
ҳам қурак эса ҳар лукмадан кейин жуда
оз микдорда сув ичиш мумкин. Шунинг
учун ҳам ояти каримада: «енг-ичинг» дея
буйрилгандир. Овқатдан кейин ҳарорат
кўпроқ хис қилинганда ҳам бироз сув
ичиш мумкин.

4. Янги ва тоза овқатлар тановул
қилиш:

Овқатларни пиширилгандан кейин
дарҳол тановул қилиш керак ва эртанги
кунга қўймаслик зарур. Эртанги кунга
қўйилган таомнинг устида микроблар
пайдо бўлади ва таомнинг шаклини/
хусусиятини ўзгартиради. Овқат иси-
тилганда эса, янги кимёвий реакциялар
пайдо бўлиши натижасида фойдадан кўп
зарар беради. Иситилган овқатнинг ху-
сусияти ўзгаради, ҳазми оғирлашади ва
ҳатто имконсизлашади. Пайғамбаримиз
ўтган кундан қолган ва эртанги кунда
иситилган таомни асло емасдилар.

Рамазон дастурхонларининг тожи:
Хурмо

Инсон озуқа ўлароқ фақатгина хурмо
ейиши мумкин. Инсон вужуди учун керак
бўлган барча витаминлар хурмода мав-
жуддир. Хурмо ишончли жойлардан оли-
ниши керак. ГМОсиз (гени ўзгармаган)
эканлигига ишонч ҳосил қилиш керак.
Хурмо ювилмасдан ва пўсти билан бир-
галликда ейилиши керак. Бир кунда 1-5
дона хурмо данагини ютиш жуда ҳам
фойдали бўлиб, хусусан, ичак танбал-
лигига ва басурга (геморройга) қарши
қўл келади. Хурмонинг пўстлоғидаги
микроблар соғлом бир инсоннинг ичаги-
да бўлган микроблар билан бир хилдир.
Хурмо ювилмасдан ейилганда ичакка
фойдали ҳисобланган микроблар экил-
ган бўлади. Бундан ташқари хурмо фо-
лиева кислота манбаидир. Хурмо қон
ишлаб чиқаришни тугатади ва темирин
кўпайтиради. Хурмо бир маҳал ўлароқ
ва фақат ўзи ейилиши керак (сув ёки қўк
чой билан истеъмол қилиниши мумкин).

Пайғамбаримиз с.а.в. бир
маҳалда хурмони қовун
ёки тарвуз ёхуд қаймоқ
билан биргалликда ер эди-
лар. Дунё неъматларидан
фойдаланиш керакми?
Аллоҳ буларни бизга ризк
сифатида берди. Нега бу-
ларни ўзимизга харом
қилаяпмиз?

Му су л м о н л а р
овқатланишнинг фарз-
ларини унутдилар.
Овқатланишнинг биринчи
фарзи овқатнинг қаердан
келганлигини ва сифати-
ни ўрганишдир. Иккинчи
фарзи эса, тоамланишдан
олдин “Бисмиллоҳ”, дей-
ишдир. Ўрганилмасдан
ҳеч нарса оғизга олин-
майди (ейиладиган нар-

салар, ичимликлар, дори ёки тиш па-
стаси). Агар таом тадқиқ қилмасдан
ейиладиган бўлса, “бисмиллоҳ” демас-
дан “астағфируллоҳ”, деб ейиш керак.
Чунки бисмиллоҳ фақатгина тозали-
гидан ва ҳалоллигидан амин бўлинган
озуқага айтилади. Мусулмон киши ўзини
хилма-хил овқатларга ўргатмаслиги ке-
рак.

Мусулмонлар яратилган барча та-
омларни емасликни неъматга қарши
хурматсизлик, деб ўйлайдилар. Ҳолбуки
Аллоҳ бизга жуда кўп озуқа бермади.
Ўзимиз овқат турларини кўпайтирдик.

Дунёнинг ҳар иқлим ва минтақасида
ўша жойга махсус, экологик бир муҳит
бордир. Инсон фақат ўзи яшайдиган эко-
логик муҳитда ўсадиган ўсимликларни
ёки ҳайвонларнинг гўштлирини истеъ-
мол қила олади. Чунки ўзи учун энг
уйғун озуқа шудир. Аммо инсон ҳар
таомни, ҳар доим истеъмол қила олади-
гани озиклар ўлароқ кўрмаслиги керак.
Озик овқатлардан ўзи учун энг уйғун
бўлганларини танлаши ва истеъмол
қилиши керак. Бугун мамлакатимизда
дунёнинг ҳар томонидан бир-биридан
фарқли маҳсулотлар келмоқда. Лекин бу
минтақада яшаган халқнинг ҳазм тизи-
ми, бу маҳсулотларни сингдиришга мос
эмас. Албатта Қуръони Каримда зикр
қилинган егуликлар булардан мустасно-
дир. Булар ҳамма учун уйғун ва жуда ҳам
фойдалидир.

Овқатларни имкон қадар оз турда ис-
теъмол қилиш ҳам ҳазм ҳамда соғлиқ
учун муҳимдир. Ҳазрат Муҳаммад
(с.а.в.) бир маҳалда бир тур овқат ер эди-
лар ва ўчоқда битта қозон қайнаши ке-
раклигини айтдилар. Ҳаётлари бўйича
еган овқат турлари жуда оз эди. Бизлар
учун ҳам энг тўғри овқатланиш усули
мана шудир. Камбағал ёки бой бўлсин,
Аллоҳнинг қонунлари ҳамма учун бир
хилдир. Бой киши мутавозеъ бир шаклда
ейишни билиши керак. Камбағал ҳам ўз
ҳолдан шикоят қилмаслиги керак.

Ҳўш, оз турда овқатлансақ, витамин
танқислиги пайдо бўлмайдами?

Витамин ва минерал танқислиги
ўртага чиқмасин десак ичак соғлом
бўлиши керак.

(Давоми кейинги саҳифада)

ОЙДИН СОЛИҲ. РАМАЗОН РЎЗАСИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Соғлом бўлиши учун эса тиббий дори ва антибиотиклар ишлатилмаслиги ва кўп овқат ейилмаслиги керак. Ўшанда ичакдаги табиий микрофлора бутун витамин ва зарурий моддаларни ишлаб чиқаради.

Рисоладаги Рўза қандай бўлиши керак?

Рамазонда овқатланиш қоидаларига эътибор бериш Рамазонни баракатли, хузури ва маънавиятли бир тарзда ўтказиш учун жуда муҳимдир. Ёз фаслига тўғри келган бу Рамазон вақтларида сахарлик эртароқ, ифтор эса кечроқ қилинмоқда. Шу сабабли Рўзани куйида кўрсатилган дастурга мос равишда тутиш фойдали бўлади:

Сахарликда лимонли сув ичиш керак ва хурмо ейиш керак. Хурмонинг ўрнида пўстлоқлари билан биргалликда анжир ёки бирон бир мева еса бўлади.

Ифторда аввал сув ичиш, ундан кейин бир турли мева ейиш мумкин. Мева ейилгандан кейин шом намози ўқилади ва ифтор давом эттирилади. Ифторда энг кўп икки хил овқат ейиш мумкин. Шўрва, салат ва овқат. Овқатдан кейин сув ёхуд бошқа ичимликлар ичилмайди. Чунки ичимликлар ошқозон сувини сайёзлаштирилади ва ҳазм заифлайди. Икки соатдан кейин оз-оз сув ичса бўлади. Шакари оз янги ҳозирланган қаҳва ҳам ичиш мумкин.

Рамазонда сахарликда дастурхондаги турли-туман таомларни еб, оғиз ёпилгандан кейин ухлаш ҳазмсизликка сабаб бўлади ва ишга оғир очади. Шунинг учун рўза қийин ўтади ва ифторда кўпроқ овқат ейишга эҳтиёж сезилади. Сахарликда сув ичиб хурмо ейдиганларнинг рўзаси энгил ва осон ўтади. Шунингдек, сахардан кейин ётмайдиганлар сахарликда энгил нонушта қилишлари ҳам мумкин. Фақат бу вазиятда ифтор ҳам энгил бўлиши керак. Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) баъзан муқаддас уч ойлар давомида сахарлик ва ифторда фақатгина сув ичиб, хурмо еганлар. Бундай рўза тутиш усулининг нақадар таъсирли ва раҳматли эканлигини Рамазонда 10-15 кун сахарлик ва ифторда фақат лимон суви ичиб, хурмони седана ёғи ва зайтун ёғига ботириб еб, синаб кўришингиз мумкин.

Бу метод бўйича тутилган рўза кон ишлаб чиқаришга хусусан гематокритнинг (яъни қондаги гемоглобин ва эритроцит микдорининг) орттишига ёрдам беради. Бизнинг урф-одатда ифтор дастурхони хилма-хил ва муҳташамдир. Хатто биз бунини Рамазон баракати ўлароқ кўрамыз.

Таом турлари ортади, меҳмонларга яна ҳам кўп овқатлар едира бошлаймиз. Рамазонда инсонлар семира бошлайди ва кўпроқ мизғий бошлайди. Бундай вазиятда инсон семиришини соғлиққа қовушганлиги билан боғлайди. Бугун инсонлар рўзанинг моҳиятини унутгани учун бу айтганларимиз рўй бермоқда. Тарихда ҳам бу айтганларимизнинг мисолларини кўриш мумкин. Усонли салтанатининг сўнгги кунларида сун-

натга мос тарзда овқатланиш қоидалари унутилди ва дастурхонларда бирдан кўп турдаги таомлар кўйила бошлади. Овқатланиш зиёфатга ва кўнгилоҷар машғулотларга айланди. Менимча, Усонли салтанатининг охири даврларида иймоннинг сусайиши ва императорликнинг чўкиши сабабларидан бири – дастурхонлардаги бу ўзгариш эди.

Ҳамма нарсанинг барбод бўлиши дастурхондан бошланади. Соғлиқнинг, ақлнинг, ҳаё ва иймоннинг чўкиши ҳам. Кўп овқат еган киши еган овқатларини ҳазм қилмайди. Ҳазм бўлмаган овқатларнинг метаболик чиқиндилари вужудда тўпланади. Қон томирларини торайтириб, ниҳоят тўсиб қўяди. Мияда қон ва суюқлик циркуляцияси секинлашади. Неврологик ва психологик муаммолар пайдо бўла бошлайди ва вазн ортади. Инсон вазни ортганча, ўзининг фикрлаш ва тушуниш қобилиятини, ақлини мувозанатли бир даражада йўқотади. Ақл йўқолишининг изидан эса ҳаё ва иймоннинг йўқолиши келади.

Миниатюраларда ҳар замон Усонли султонларини семиз эканини кўрамыз. Усонли султонлари ғайратли/мехнатқаш эдилар. Асло танбал эмас эдилар. Кичиклигидан қатъий интизом, мувозанатли овқатланиш, дин ва илм ўрганар эдилар. Жанг ўйинлари ўйнар, отга минар, қилич қўллашни ўрганар эдилар.

Лекин расмларда улар кайфу-сафога берилган семизаклар/бақалоклар каби кўрсатилади. Йилдирим Боязид каби султонларнинг умри от устида, жангларида кечган. Бундай ҳаёт тарзига эга бўлган султонлар қандай қилиб семиз бўлиши мумкин? Албаттаки курук ва мускулли, қатта ва ҳайбатли эдилар. Биз уларни расмларда семиз кўришга ўрганиб қолдик. Аммо бу расмларни ким чизаётганлигини ҳеч ҳам текшириб кўрмаймиз...

Бугунга қайтадиган бўлсак, баъзи семиз одамлар буйрак касаллигига чалинган бўлишлари мумкин. Бу беморларнинг организми метаболик чиқиндиларни чиқариб ташлай олмагани учун бу чиқиндилар ёғ хужайраларида тўпланади.

Яъни, баъзан семизлик инсонни касалликлардан кўрийдими? Ҳа, буйракларнинг хроник етишмаслиги учун бу қутқарувчи бир фактордир. Семизлик уларни буйракларининг изидан чиқишидан асраши мумкин. Лекин диққатли овқатланадиганлар ва яшайганлар, бу билан буйракларини асрайдиган шуурли кишилар семизликка маҳкум эмаслар. Аммо кишининг буйраги соғлом бўлса-ю, ўзи семиз бўлса, бу вазиятда гипотирозид ривожланиши ва метаболизмнинг сусайиши билан семизликдан қутулиш бундан кейин янада қийинлашади. Лекин қон гуруҳи В (яъни 3-қон гуруҳи) бўлган инсонлар табиатга боғлиқ тарзда семизликка майлли вужудга соҳибдилар...

Ойдин СОЛИҲ

ЎЗБЕКИСТОН БОШ ПРОКУРОРИ Р.ҚОДИРОВГА ОЧИҚ ХАТ



Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори Р. Ҳ. Қодировга!
“OZOD FUQARO” (Freedom Person) Human Rights Watch
Address: Toshkent city Chilonzor region, 7-50-44 Indesse:100096
mobile:+998901224581. Email: pressa2013@gmail.com

ОЧИҚ ХАТ!

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг Мурожаатлари Тўғрисида”ги қонунининг 25 моддаси, Ўзбекистон Республикаси “прокуратураси тўғрисидаги қонуни”нинг 3 моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 13, 14, 16, 27, 29, моддаларини қўпол равишда бузганлиги туфайли, ўз ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда ва ўз мансабини сиистеъмол қилганлиги учун, Ўзбекистон Республикаси қонунларини оёқ-ости қилганликлари туфайли, Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани прокурорларини эгаллаб турган ва зифаларидан озод қилишингизни талаб қиламан!

Агар шу мансабдор шахслар ўз лавозимларидан четлаштирилмаса, унда мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33 ва 34 моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси биноси олдида пикетга чиқаман.

Илова- 6+5 варақдан иборат.

Фахриддин Тиллаев

“ОЗОД ФУҚАРО” мустақил нодавлат ноижорат ташкилотининг раиси

*Мен сени, юрагим, силагим келар,
Эсиз, қолиб кетар менда бу ҳақинг...
Кўксимга сен каби бирорта дилбар
Бошини қўймаган шунчалар яқин...*

(“Орзу фуқароси”, саҳифа 21.)

1981 йилда ёзилган “Арғамчи” шеърда эса шамол увиллаши ҳоким бўлган бир маконда ёлғизликни арғамчида учаётган бир жонзод сифатида тасаввур қилади:

*Қадам товушлари адамчи,
Шамол увлар, дарахт гижирлар,
Бориб- келар бўм-бўш арғамчи,
Ўтирибди унда ёлғизлик.*

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

Шоир “Қишги новда” шеърда ёлғизлик туйғусини кузда ҳар нарсасини йўқотган, япроқсиз, кип-ялонғоч қолган бир новдага киёс қилади. Бу новдани “ёлғиз” калимасидан ҳам етим, “оч” калимасидан ҳам озғинроқ кўради.

*Япроқсиз.
Ялонғоч.
Аччиқ.
Яна нима керак ифодалаш-чун
Бу новданинг ёлғизлигини,
Яна нима керак сенга?
Бу новданинг йўқотганларини
Йўқотиб кўрдингми сен ўзинг?
Аммо сен ўзжарларча
Сўзни арчийсан,
Новдани арчийсан беомон.
Ниҳоят мана ул,
“Ёлғиз” сўздан ҳам етимроқ,
“Оч” сўздан ҳам озғинроқ
Хивич у -
шивилаб турибди дарахтда!*

Муҳаммад Солиҳ ёлғизлик туйғусини тараннум этгани “Шеър” номли манзумасида шеърни совуқ кечага киёслайди. Мисралар япроқларини тўккан дол кабидир:

*Совуқ кеча каби энди шеър.
Япроқларин тўкди сатрлар.
Йўқ, ҳеч кимдан хафа эмасман,
Фақат совуқ кеча каби шеър.
Йўқ, кимдан ҳам хафа бўлардим,
Фақат шеър...
Фақат ҳар бир сўз
ёқасини қўтариб олиб,*

Бегона одамдай ўтиб бормоқда.
(1981, “Олис табассум сояси”,
138-саҳифа)

Ёлғизлик “Қабр тошдаги ёзув” шеърда эса ўлим сифатида мутолаа қилинмоқдадир:

*...Асло менга ўхшаб,
Яқин одамнинг йўқатмагин сен.
Кейин менга ўхшаб хатлар кутма,
Барибир хат келмас сенга,
Худди менга келмаганидай.
Кейин менга ўхшаб
Ўзингни қўярга жой топмай,
Қўймагин, қўймагин ўзингни,
Мен ўзимни қўйган бу ерга!*



Шоир “Энди сизга навбат” шеърда деворлар билан гаплашади, ягона дўсти деб билган деворларга калбини очиб, дардини сўйлайди:

*...Энди сизга навбат,
Сизлар ҳам ненидир ҳикоя қилинг,
Дилингизни очинг,
Кўксимга бош уриб,
сизлар ҳам йиғланг.*

Шоир ёлғизлик бурчагида энди деворларнинг дардини тинглашга ҳозир:

*Билинг, қаттиқ эрур
инсон сиздан ҳам,
Инсон қаттиқ эрур тошдан ҳам,
Деворнинг дардидан ёрилмас инсон.*

мисраларида деворга, тошга нисбатан ҳам қаттикроқ эканлигини билдиради. Бу мисраларда совет инсонининг бағритошлиги, уни етиштирган режим киноя қилинади.

Муҳаммад Солиҳ ёлғизлик туйғусини энг кучли шаклда “Ёлғизлик” шеърда ифодалаган. Шеър Қаҳромони ўзини “Ҳасани ўлган бир Ҳусан каби” ҳис этади. Бошқа тарафдан ёлғизликни тоқ ва мислсиз, тенги бўлмаган каби маънолари борлигини ўйласак, бу шеърда шоир ўзининг бошқаларга ўхшамаганидан хафа бўлаётгани йўқ, балки ўз нафси муҳофазаси нуқтаи-назаридан бу ёлғизликдан мамнун кўрингандай туюлади.

5. ТАБИАТ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳ шеърларидан табиат кенг миқёсда ўрин олган. Бу шеърларининг бир қисми табиатга бевосита тасис этилса-да, иккинчи қисмида шеърда табиат унсурларидан истифода қилинади. Бошқа бир сўз билан айтганда, табиат шоирнинг руҳий ҳолатини англатиш учун ёрдамчи унсур мавқеидадир. Шеърларининг деярли ҳаммасида табиат таҳис этилгандир. Ҳатто баъзи шеърларда интоқга (гаплашиш қобилиятига эга бўлмаган мавжудотларни гапиртириш жанри) ҳам ўрин берилганини кўраемиз. Муҳаммад Солиҳ мавсумлар ҳақида ёзган шеърларида баъзи бўртган

ташбеҳлари билан мавжуд сиёсий-ижтимоий ҳаёт ўртасида ўхшашликларни кўриш мумкин. Шоир кўпроқ киш ҳақида ёзади ва табиатнинг бу мавсумидаги ялонғочлик, ёлғизлик ва чорасизлик билан ўзи орасида муносабат куради. Баҳорни ҳаёжон билан кутган шеърларидан бирига “Кечиккан баҳор” исмини беради.

Метафорик хусусиятга эга бўлган бу шеърда Совет империясининг 1970 йиллардаги турғунлик ҳолати тасвирланади гўё:

*Ҳеч ким шеър ёзмайди бугун,
Новданинг бўғзида қолиб куртаклар,
Юраклар - қўкракда вазнсиз тугун,
Булут кўр қуёшни юрар етаклаб...*

Юқоридаги мисраларда киш мавсумининг ҳаёт манбаи болишдан ожиз “кўр қуёш” бизнингча, сотсиалистик мафкура ни тамсил этмоқдадир. Даврнинг идеологияси - ленинизм инқирозга юз тутиб, йўлбошчилик хусусиятини йўқотган, шунга қарамай, идора киш қуёшини етаклаган булут каби ўзжарларча эски ғоясини судрамоқдадир.

Шоир “ҳеч ким шеър ёзмаган бир давр” ҳақида гапиради. Янги насл вакили - куртаклар новдаларнинг бўғзига тикилиб, туғилажак кунни кутмоқдалар. Халқни ифодалаган дарахтлар эса бир-бирининг ҳолини ҳайрат ичида кузатмоқдалар. Шеърнинг учунчи қитъасида шоир вақти келганига қарамай замон ўзгармаётганидани, саволлар беради:

*Баҳор - шеър
Новда - япроқ,
Турна қанотини ёзмайди нега?
Наҳот, “хайр”лашиб*

*қиш билан энди
Бирон бир фасл йўқ
“салом” дейишга?*

Шоир “Қиш манзараси” номли шеърда фақат табиатга оид унсурларга ўрин беради.

*...Ханжарга ўхшайди
дарахт шоҳлари.
Итларнинг хуриши - сўник қўрғошин,
Қарганинг бўғзида пўлат қичқириқ.*

Қишда қаттиқликнинг моҳиятини ифодалаган ташбеҳлар юмшоқликни бўртириш учундир. Юмшоқ биттагина мўридан чиқаётган тутундир:

*Бир тутун ўрлайди, ҳеч кимнинг
тушига кирмаган момиклик ўрлар!
Қарга совкозган боласини
Йўрғаклаша бўладиган тутун...*

“Совуқ кун” шеърда эса шоир киш мавсумининг бир кунини қаноти кесик бир қушга киёс этади. Ҳатто кўз ёшини музга айлантириб юбораётган бу кунда бировни севиш ҳам мумкин эмаслигини айтади.

Шуъайб Қороқош (Туркия)

ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

Ёки чарчаган хамшираларнинг лоқайдлиги, қаттиқ қўллари билан чақалокнинг думбасига шапалоқ тортиши, совуқ ва антисептик дорининг ёмон ҳиди, резина сўргич (соска) билан оғзига берилган шакарли сув, эмлаш суюқлигининг оғриқ берувчи игнаси, совуқ ва қаттиқ тўшак, дунёдан кўрқиш, чақалоклар хонасида ҳис этилган умидсизлик, бахтсизлик ва туганмас ёлғизлик!...

Туганмас, чунки чақалок замонсизликдан ва сўнгсизликдан, яъни рухлар оламидан келади, замонга, яъни вақтга кўникмаган бўлади.

Чақалок туғилган муҳитдаги ёруғлик ҳам жуда муҳим. Қоронғу бачадондан чиққан чақалок ёркинликдан, порлоқ нурлардан жуда безовталанади. Туғиш амалга ошириладиган хона ярим ёруғ-ярим қоронғу бўлиши керак.

Чақалок бачадондан чиққанидан кейин биров вақт киндик боғи билан бирга (яъни киндик боғи кесилмасдан) холи қолдирилиши керак. Яъни туғилган чақалок аввало онанинг кўкрагига ётқизилади, кейин эса киндик боғи икки тарафдан - ҳам она тарафдан, ҳам чақалок тарафдан боғланади ва бу икки боғ ораси кесилади. Чақалок тарафидан киндик боғи тахминан 10-15 сантиметр қолдириб кесилади. Мана шундай қилинса киндик боғи табиий равишда ёпилади ва тахминан 5 кун ичида ўз-ўзидан тушади.

Чақалок бачадондан чиққанидан 20-30 дақиқа ўтгач, бачадоннинг кўшимча қисқаришлари билан чақалокнинг йўлдоши ташқарига чиқади. Бу қисқаришлар йўлдошнинг бачадон деворларидан ажралиши туфайли очилган кон томирларининг қайтадан ёпилишига ёрдамлашади.


Бугунги кунда касалхоналарда қўлланилаётган туғиш позицияси (гинекологик позиция) баъзи аёлларда жирканч туйғу уйғотгани учун туғиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

(Суннатга кўра, таносил органларини ҳеч қимга кўрсатмаслик лозим. Ойша р.а. хабар берганига кўра, Ойша р.а. ва Пайсамбаримиз с.а.с. бир-бирининг таносил органларини ҳеч кўрмадилар).

Табиий туғиш позициясида – бир жойга таяниб, мустаҳкам бир нарсани ушлаб, эгилиброк туриш ёки туғиш курсисига ўтириш – чиндан ҳам мукамал бир туғиш позициясидир-ки, аёл ҳеч қимнинг ёрдамига муҳтож бўлмайди.

Одам а.с. ва Ҳовва р.а.дан бошлаб, миллиардларча инсон (ва сонсиз эмизувчи ҳайвонлар) туғилиш йўли билан дунёга келганига кўра, туғиш ҳам овқатланиш ва ёки бошқа бир эҳтиёжни кетказиш каби, табиий ва оддий жараёндир.

Фақат юқорида кўрганимиздек, озикланиш тарзи бузилгандан кейин туғиш жараёни ҳам бузилади. Аёллар туғиш йўли торлиги ёки чақалок бошининг катталигини ўйлаб, нормал туғишдан



кўркмасликлари керак. Туғиш йўли ҳомиладорлик даврида туғишга тайёрланиб боради ва аста-секин очилади.

Чақалокнинг бош суяклари ҳали қотмаганлиги, бирига ёпишмаганлиги туфайли сиклиганда бири-бирининг устига

ўтиб, туғиш каналдан осон кечиши мумкин. Чақалокнинг хўл мияси бундай сиқилишлардан ҳеч таъсирланмайди. Чақалокнинг боши қатта бўлса ҳам нормал туғиш чақалокқа ҳеч қандай зарар келтирмайди.

Бачадоннинг очилиши илк туғишда 14-24 соатда, баъзи ҳолларда 36 соатда амалга ошади. Кейинги туғишларда бу муддат қисқаради.

Қишлоқда истикомат қилувчи меҳнатқаш, ҳаракатчанг аёллар - кимёвий моддалар ва кир ювиш воситаларидан фойдаланмаган, ерда ўтириб, табиий таомларни еган, кимёвий гигиена воситаларидан фойдаланмаган аёллар оғриқсиз ва жуда осон туғадилар. Бироқ синтетик гормон, антибиотик, кир ювиш воситаларидан фойдаланадиган, кўшимчали таомлар ва ичимликларни истеъмол қиладиган, ҳомиладорликка тайёргарлик кўрмаган аёллар туғишнинг ҳар бир босқичида турли муаммоларга дучор бўлиб, “Цезар амалиёти” (чақалокни қоринни кесиб олиш)га маҳкум бўлишлари мумкин. Масалан, Туркияда “premses туғиш” (шоҳона туғиш) деб номланган, эпидурал анестезия билан туғиш кенг тарқалмоқда. Бундай туғиш АҚШда ва Европанинг ҳеч бир мамлакатада, жиддий сабаб бўлмагунча, қилинмайди. Чунки бундай туғишда бачадоннинг қисқаришлари анестезиянинг таъсирида ожизлашади ва сунъий тўлғоқ беришга мажбур бўлиши мумкин. (“Конвулсиялар”, “Диққат етишмовчилиги синдроми” ва “Отизм” бўлимларига қаранг.)

Замонавий аёллар ўзларининг ҳомиладорлик ва туғишга тайёргарлик даврларини ушбу китобда кўрсатилган тарзда ўтказсалар, ҳудди қишлоқ аёллари каби оғриқсиз ва осон туғишлари мумкин

София Й., 40 ёшда, уй бекаси ҳикоя қилади:

“Ойдин Солиҳнинг давосини олганидан кейин икки марта цезар амалиёти билан туғишдан сўнгра учинчи ва тўрттинчи туғишимни уйда амалга оширишига қарор қилдим.

Учинчи туғишим осон кечди.

Икки йил олдин тўрттинчи туғишимда кечқурун сувим келди, қорнимнинг атрофида енгил бир оғриқ бошланди. Доя чақирдим ва оғриқлар кучая бошлагач ваннага илиқ, тузли сув тўлдириб кирдим.

Бир муддат ўтгач, тўлғоқлар қучайди. Бачадонимнинг оғзи очилган бўлса ҳам, чақалок келмаётганди, ҳудди суякларимга ёпишиб қолгандек эди. Оғриқларга чидай олмаганимдан кейин ваннадан чиқдим, уйнинг ичида юра бошладим. “Инишқоқ” сурасини ўқиганимда, чақалок айлана бошлаганини сездим.

Доя чақалок елка билан келганини ва бўйнига киндиги ўралиб қолганини айтди. Сабр ва дуо билан чақалокнинг айланishiни кутдим.

Сув келганидан тахминан 6 соат ўтгач, чақалок айланди ва биров қийинчиликлар билан туғилди. Доя чақалокни икки марта ўраб олган киндикни очди.

Агар касалхонага борганимда, албатта, мени “Цезар амалиёти”га ётқизишарди”.

Сунъий тўлғоқ (Induction)

Сунъий тўлғоқ - туғиш пайти синтетик окситоцин гормони бериб, бачадон қисқаришларини тезлаштирувчи муолажадир. Синтетик окситоцин туфайли содир бўладиган бачадон қисқаришлари табиий қисқаришларга қараганда анча тез, кучли ва оғрикли бўлади. Баъзи ҳомиладор аёллар бу оғриқларга чидайолмай, қорнидаги боласини “Цезар амалиёти” ёрдамида олишни илтимос қиладилар.

Баъзан окситоцин кучли ва давомли қисқаришларга, яъни бачадоннинг гиперстимуляциясига сабаб бўлиши мумкин.

Бачадон гиперстимуляцияси килород етишмовчилиги туфайли чақалокда юрак уришларининг анормал (меъёрсиз) даражада тезлашишига олиб келади. Бу ҳолатда “Цезар амалиёти”ни ўтказиш зарур бўлиши мумкин. Бачадон гиперстимуляцияси давомида бачадон йиртилиб кетиши мумкин.

Авваллари бачадонда “Цезар амалиёти”га ўхшаш жарроҳлик амалиётларининг ўтказилганлиги, бир ҳомиладорлик пайти икки ва ундан ортик ҳомилалари бўлиш, амнион суюқлигининг ортикчалиги, йирик чақалокқа ҳомиладор бўлиш каби ҳолатлар бачадоннинг йиртилиб кетиши эҳтимолини янада оширади. Бундай пайтларда ҳам “Цезар амалиёти”ни ўтказиш зарур бўлиши мумкин.

ОЙДИН СОЛИҲ

*“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)*



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолiddин Йўлдош